



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев “Хизмат” тушунчасининг иқтисодий кагегория сифатида назарий таҳлили	5
Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Рустам Алижонович Мусабоев Истеъмолчилик хулқининг трансформацион хусусиятлари	11
Аскар Хайдарович Джумаев Жаҳон хўжалигида иқтисодий тизимларнинг қиёсланишининг услубий жиҳатлари	16
Shahobiddin Ziyadullayevich O‘rozov Amir Temur ijtimoiy faoliyatida ratsionallik yondashuvi	20
Lola Nazarovna Xalikova Ijtimoiy himoyalashga oid nazariy qarashlar	24
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Боҳодир Ибрагимович Исроилов, Бобуршоҳ Боҳодир ўғли Ибрагимов Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Қулмамат Джонузоқович Мирзаев, Гиёс Турабекович Юлдашев Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда ривожлантиришни асосий тараққиёт тенденциялари	32
Жунайдулло Садиевич Файзиев Умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш	37
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Раҳматулла Хидирович Эргашев Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини ошириш	42
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Зариф Юсупович Аминов Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири	49
Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova Xizmat ko‘rsatish sohasidagi korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashdagi kamchilik va muammolar	53
Bekjon Shukurillayevich Musayev Oliy ta’lim xizmatlarini raqamli texnologiyalar asosida targ‘ib qilishning uslubiy asoslari	57
Sadoqat Qudratovna Bultakova Xizmat ko‘rsatish sohasi va uning O‘zbekistonda o‘shish dinamikasi	63
Luiza Komilovna Haydarova Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsiyalarni tatbiq etish zaruriyati va omillarini tahlili	67
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Akram Abduraxmonovich Azizqulov Xatirchi tumanida ziyorat turizmini rivojlantirish imkoniyatlari	74

Аскар Хайдарович Джумаев – СамИСИ, “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ ҚИЁСЛАНИШИНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада жаҳон иқтисодиёти объектлари ва субъектларининг қиёсий тадқиқотлар ўтказиш услуби ва услубияти масалалари кўрсатилган. Мақоланинг мақсади бу борадаги ёндашувларини умумлаштириш ва тизимлаштириш асосида қиёсий тадқиқотлар ўтказиш услубиятини асосини шакллантиришдир. Тадқиқотлар натижасида қиёсий тадқиқотнинг умумий тамойиллари мавжуд бўлиб ягона универсал услубияти бўлиши мумкин эмаслиги ва таққослашнинг мақсади, мавзуси ва объекти асосида ҳар бир тизимни ўзига мос хусусиятлари эътиборга олиниши кераклиги аниқланди.

Калит сўзлар: қиёсий иқтисодиёт, қиёсий таҳлил, иқтисодий тизимлар, жаҳон хўжалиги субъектлари, бенчмаркинг.

Кириш. Кейинги пайтларда жаҳон хўжалигидаги иқтисодий тизимларни ривожланиши бўйича иқтисодий тадқиқотлар олиб боришда маҳаллий ва хорижий олимлар кўпроқ қиёсий таҳлилдан фойдалана бошладилар. Қиёсий таҳлил миллий ва жаҳон иқтисодиёти, дунёнинг турли минтақалари ривожланишини ўрганишда фаол қўлланилишига қарамай, унга асосланган тадқиқотлар ўтказишнинг ягона услубияти мавжуд эмас. Бироқ, бу борада мавжуд ёндашувлар жуда кўп, уларни тизимлаштириш, умумлаштириш нуқтаи назарларни таққослаб тегишли хулосалар чиқариб аниқ услубларни белгилаш талаб этилади. **Мақоланинг мақсади** ҳам айнан шу илмий масалалар билан шуғулланувчи олимларининг таклифлари ва ёндашувларини умумлаштириш ва тизимлаштириш асосида қиёсий тадқиқотлар ўтказиш услубиятини аниқ услубларини шакллантиришдир.

Бу ижтимоий - иқтисодий фанлар учун айниқса муҳимдир. Чунки, биринчидан, бу фанларнинг аксарияти экспериментдан фойдаланиш қобилиятига эга эмас ва қиёсий услублар учун экспериментлар ўтказишнинг ҳожати йўқ. Иккинчидан, умумий мақсадларга фақат қиёсий таҳлил услубларини қўллаш орқали тўлароқ эришиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қиёсий иқтисодиёт фани, ғарб олимлари П.Р. Грегорининг “XXI аср иқтисодий тизимларини таққослаш”[1], Б.Ж. Россер ва М.В. Россерларнинг “Трансформациялашаётган жаҳон иқтисодиётида қиёсий иқтисодиёт”[2] мақолаларидаги фикрларига қараганда, қиёсий услубиятнинг ўзига хос услубларидан фойдаланадиган иқтисодий соҳани билдиради, унинг ёрдамида мавжуд иқтисодий тизимлар (ёки иқтисодий моделлар) ва уларнинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида зарур маълумотлар, шунингдек, энг яхши (оптимал) иқтисодий тартибга эришиш шартларини белгилайдиган иқтисодий назария учун асос яратади.

Чехиялик олима Э. Цигелкованинг “Қиёсий таҳлил учун назарий асосни шакллантириш. Постсоциалистик мамлакатлар таҳлили”[3] ва “Қиёсий иқтисодиёт: Марказий ва Шарқий Европа”[4] мақолаларидаги фикрича, “...қиёсий услуб ва услубиятни илмий-назарий жиҳатдан фарқлаш керак. Қиёсий услуб - бу ҳар бир услубни қўллашда алоҳида ёндашув жарёнидир, услубият эса, таққослаш учун тадқиқот объектини ва предметини аниқлашни, таққослашнинг мақсадини, тўғридан-тўғри қиёсий таҳлил мезонларини ва ниҳоят, мувофиқлаштирувчи муайян қиёсий услублар учун вақт ва таққослашни аниқлашни ўз ичига олади”. Демак қиёсий иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодий фанларга хос универсал услубларни эмас, балки, таққослашнинг аниқ услубларини қўллашни талаб қилади.

Қиёсий иқтисодиёт фанининг мазмун – моҳиятини ва унга молик услубиятни белгилашда кўпчилик олимлар қуйидагилардан келиб чиқадиладар. Тор маънода иқтисодий тизим (ижтимоий – институционал жиҳатдан) - бу ҳар қандай иқтисодий институтлар йиғиндиси бўлиб, улар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ривожланади. Кенг маънода, иқтисодий тизимларнинг функционал натижалари (унинг

маҳсули) нафақат иқтисодий, балки бошқа кўплаб омилларга, жумладан, тизим фаолият кўрсатадиган экологик омилларга - табиий ресурслар захираларига, иқтисодий ривожланиш даражасига, иқтисодиётнинг ҳажмига, капитал ва инсон меҳнатининг ҳиссасига, шунингдек, сиёсий ва маданий омилларга ҳам боғлиқ.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, таҳлил ва умумлаштириш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийликнинг яхлитлиги ҳамда монографик кузатиш услубларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги вақтда иқтисодий тизимларнинг ўзига хослигини, умумий ва фарқли жиҳатларини эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётларни таққослаш бўйича ёндашувларда бир хил нуқтаи назар йўқ. Баъзи иқтисодчиларнинг таъкидлашича, фақат таққослаш мумкин бўлган иқтисодиётларни қиёслаш мумкин. Улар маълум мезонлар асосида табиатан ўхшаш бўлган ҳолатларни (намуналарни) аниқлашни ва фақат уларни солиштиришни тавсия қиладилар. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларини асосий иқтисодий кўрсаткичларини ва бизнес муҳитини таққослаб асосли илмий хулосалар чиқариш мумкинлигини таъкидлайдилар. Аммо амалиётда, иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш асосида (номинал ва реал ЯИМ, ЯММ, СМ, номинал ва реал ЯМД, МД, аҳолини ўртача йиллик даромади миқдори, йирик саноат марказлари бўлган шаҳарларнинг йиллик ЯИМ миқдори ва ҳоказо...) қиёслаш шуни кўрсатадики, ҳатто миллий капитали тенгсиз бўлган иқтисодий тизимларни ҳам таққослаб, уларнинг иқтисодий ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мумкин.

Таққосланадиган объектларнинг тенгсизлигини бошқа кўрсаткичлар тизими орқали ҳам қиёслаш мумкин. Қиёсий таҳлил қилиш учун кўрсаткич мезонларининг иккита гуруҳини ажратиш тавсия этилади:

- таснифлаш мезонлари (иқтисодий тизим, давлатнинг роли, капитал бозори, меҳнат бозори, ижтимоий таъминот, ташқи сиёсат ва бошқалар);

- иқтисодиётни баҳолаш мезонлари (иқтисодий ўсиш, иқтисодий самарадорлик, даромадлар тақсимоти, инфляция ва ишсизлик нуқтаи назаридан барқарорлик, жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошлик ва бошқалар).

Таҳлил шуни кўрсатадики [3, 4], кўпинча қуйидаги гуруҳлар аниқ кўрсаткичлар сифатида ишлатилади:

- **“Иқтисодиётнинг умумий ҳолати”** гуруҳи бўйича: иқтисодий ўсиш суръатлари, реал ЯИМ, инфляция даражаси, инвестициялар даражаси, умр кўриш давомийлиги, инсон тараққиёти индекси ва бошқалар;

- **“Ҳукуматнинг роли”** гуруҳида: давлат харажатлари, солиқ харажатлари, ҳарбий харажатлар, таълим харажатлари, соғлиқни сақлаш харажатлари, иқтисодий эркинлик индекси ва бошқалар;

- **“Жаҳон иқтисодиётидаги вазият”** гуруҳи учун: жаҳон ялпи ички маҳсулотини яратишдаги улуш, товар ва хизматларнинг жаҳон савдосидаги улуши, жаҳон капитал оқимидаги улуш, технологик ўрни, валюта захиралари ва бошқалар.

“Вақт оралиғи бўйича таққослаш” услуги асосида муайян давр мобайнида мамлакатларнинг тарихий-иқтисодий ривожланиш жиҳатлари таҳлил этилиб, уларни ҳозирги давр билан боғлаб, қиёсланадиган мамлакатлар иқтисодиётидаги хўжалик элементларини (хўжалик юритиш шакллари) ривожланиш тенденциялари ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин.

“Бир вақтнинг ўзида” таққослаш услуги асосида иккита ва ундан ортиқ мамлакатларни (ва уларнинг хўжалик элементларини) маълум бир вақт оралиғида таҳлил қилиб аниқ маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

Диахроник, яъни вертикал услуб асосида таққослашда ҳар бир элементнинг (хўжалик шаклини) турли даврлардаги ривожланиши ва улар ўртасидаги зиддиятлари ўрганилади. Нафақат ривожланишнинг турли босқичларида аниқ бир иқтисодиётни, балки бошқа турдаги иқтисодий моделлар билан ҳам қиёсланса, янада аниқ натижаларга эришиш мумкин. Махсус ҳолат сифатида ўхшаш тарихий вазиятларни таққослаш,

шунингдек, ҳозирги вақтда бошқа мамлакатлар тақдирига ва бутун жаҳон иқтисодиётига таъсир кўрсатаётган мамлакатлар мисолларини кўриб чиқиш мумкин бўлади.

Қиёсий таҳлил услубидан ташқари қўшимча равишда, қиёсий услубият доирасида Ғарб олимлари умумлаштириш, иқтисодиётларнинг ўхшашлик элементлари бўйича таққослаб хулосалар чиқариш, қиёсий социологик тадқиқотлар, минтақавий ва глобал даражадаги статистик таҳлилларни алоҳида ўтказиб турадилар.

Ғарб ва АҚШ олимларнинг тадқиқотларини сарҳисоб қилиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Бир-биридан фарқ қилувчи иқтисодий тизимларнинг қиёслаш услубиятини дастлабки таҳлил услублари, умумий ўхшаш ёки алоҳида ўхшаш кўрсаткичлар гуруҳини шакллантирган услублар бўлиб, улар аҳоли жон бошидаги истеъмол, иқтисодий ўсиш, турмуш шароитларини яратишда тенглик, ижтимоий хизматлар ва умумжамоавий неъматлар (товарлар) билан таъминлашнинг ҳолати, шахсий даромадлар ва бандликнинг барқарорлиги кўрсаткичларини аниқлайдиган энг кенг тарқалган услублардир[5].

2. Таққослаш услубларига эмас, балки кўрсаткичларни аниқлаш усулларига ҳам катта эътибор берилади ва уларга қуйидагилар киради;

- муайян тадқиқот мақсадларига эришиш учун энг фойдали бўлган маълумотлар турлари;

- маълумотлар манбалари (бу манбалар географик ва вақт қамрови жиҳатидан юқори сифатли бўлиши керак);

- маълумотлар намунасини шакллантириш ва ниҳоят, уларни изоҳлаш [6].

3. Бенчмаркинг услубиятидан (**Бенчмаркинг** - бу корпорация фаолиятини оптималлаштириш ва яхшилаш мақсадида бозордаги рақобатчиларнинг муваффақиятли тажрибасини қиёсий бизнес таҳлилига комплекс ёндашувдир) баъзи услублар қабул қилинади, яъни: тадқиқот мазмунини тушуниш, самарадорлик кўрсаткичларини шакллантириш, эксперт гуруҳини шакллантириш, стратегияни ишлаб чиқиш ва мониторинг[7].

4. “Қиёсий ёндашув”, “қиёсий услуб”нинг асосий тамойиллари қаторида тадқиқот олиб боришда қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

- таққосланаётган элементларга нисбатан аниқ тамойилларни шакллантириш (яъни, асосий тизим хусусиятлари нимадан иборат эканлигини аниқлаш учун);

- ички ва ташқи ҳақиқийлик тамойили (internal validity & external validity): - муайян қуйи тизимларнинг ички хусусиятларини аниқлашда иқтисодий жараёнларни яхлитлигини тушунтириш учун бирлаштирувчи салоҳиятга эга бўлган элементларни топиш;

- танлаш тамойили қиёсий таҳлилнинг ўз-ўзидан мақсад эмаслигини англатади: - турли хил аниқлаш услубларидан маълум турини, яъни тадқиқот учун энг мосини танлаш керак.

5. Тизимнинг кичик элементларини қиёсий афзалликларини аниқлашда улар кўпинча қиёсий баланс таҳлилига мурожаат қиладилар [8, 9].

6. “Кейс стади” услубидан фойдаланиш, бир хил иқтисодий объект қондаси тарикасида стандарт бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, жаҳон ҳўжалиги субъектларини ўрганишда қиёсий ёндашувнинг ягона универсал услубиятини яратишнинг иложи йўқ. Объект, предмет, мақсадга қараб мамлакатлар иқтисодиётини ўзига хос жиҳатлари эътиборга олиниб, қиёсий таҳлил усулларининг ўша жиҳатларига мос юқорида кўрсатилган услублар қўлланилади ва уларнинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари бўйича ўринлари белгиланади ва қиёсий иқтисодиёт услубларини қўлланилиши қуйидагиларга имкон беради:

- жаҳон иқтисодиётидаги алоҳида (танланган) иқтисодий моделларнинг (мамлакатларнинг) ривожланиш тенденцияларини изоҳлаш ва тавсифлаш имконини беради;

- дунё мамлакатлари ва минтақаларидаги иқтисодий сиёсатнинг асосий хусусиятларини ва йўналишларини тўғрироқ аниқлаш мумкин бўлади;

- жаҳон иқтисодиётидаги айрим мамлакатлар ва улар гуруҳларидаги мавжуд иқтисодий ютуқлар ва муаммоларни янада тўғрироқ изоҳлаш ва шу асосда хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу давлатлар бозорларига чиқишида “хамроҳ бўлиш мумкин бўлган” имкониятлар ва таҳликаларни аниқлашга имкон бериб, бу ишлаб чиқариш ва ташқи савдони ривожлантириш учун тurtки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gregory P. R. Comparing Economic Systems in the Twenty-First Century /P. R. Gregory, R. C. Stuart. 7th. edit. Mason, OH, USA: South-Western, Cengage Learning. 2004.
2. Rosser B. J. Comparative Economics in a Transforming World Economy /B. J. Rosser, M. V. Rosser. 2nd. edit. Cambridge, Massachusetts, London: MIT, Press. 2004.
3. Cihelková E. Formation of the Theoretical Framework for the Comparative Analysis of Post-socialist Countries / E. Cihelková // Agriculture economics. Vol. 62, No. 9, 2016. P. 407-420.
4. Cihelková E. Komparativní ekonomika: střední a východní Evropa [Comparative Economy: Central and East Europe] / E. Cihelková, J. Fingerland. Praha: VŠE. 1992. 160 s.
5. Koopmans T., Montais J. On The description and Comparison of Economic System [Электронный ресурс] URL: <http://dido.wss.yale.edu/P/cp/p03b/p0357.pdf>
6. Perdomo C. Methodology of international comparison of government priorities [Электронный ресурс] URL: http://www.sipri.org/research/armaments/milex/publications/unpubl_milex/unpubl_milex_default/mex_prio_methods
7. A Methodology for Performance Measurement and Peer Comparison in the Public Transportation Industry [Электронный ресурс] URL: http://onlinepubs.trb.org/onlinepubs/tcrp/tcrp_rpt_141.pdf
8. Cippolini F., Ganugi P. Comparing Capital Structure through Similarity Analysis: Evidence about two Industrial Districts [Электронный ресурс] URL: http://link.springer.com/chapter/10.1007%2F978-3-642-59471-7_11#page-1
9. Bagella M., Becchetti L. The comparative advantage of Industrial Districts [Электронный ресурс] URL: https://books.google.it/books?id=6F0OBwAAQBAJ&pg=PA22&lpg=PA22&dq=The+comparative+advantage+of+Industrial+Districts++Bagella+Becchetti&source=bl&ots=7uT9_YXduT&sig=maCFM_wWMR06u-v_szZLhDNwrIE&hl=it&sa=X&ei=_uFkVYy3NOn5ywOsjoH4Aw&ved=0CCkQ6AEwAA#v=onepage&q=The%20comparative%20advantage%20of%20Industrial%20Districts%20%20Bagella%20Becchetti&f=false

<p>А.Джумаев</p> <p>Методологические аспекты сравнения экономических систем в мировой экономике</p> <p>Аннотация: в данной статье показаны методы и методология проведения сравнительных исследований объектов и субъектов мирового хозяйства. Цель статьи – обобщить и систематизировать подходы в этом отношении для формирования основы методологии сравнительного исследования. В результате исследования установлено, что общие принципы сравнительного исследования не могут быть единой универсальной методологией, а должны учитываться особенности каждой системы исходя из цели, предмета и объекта сравнения.</p> <p>Ключевые слова: сравнительная экономика, сравнительный анализ, экономические системы, субъекты мирового хозяйства, бенчмаркинг.</p>	<p>A.Dzhumaev</p> <p>Methodological aspects of comparison of economic systems in the world economy</p> <p>Abstract: this article shows the methods and methodology of conducting comparative studies of objects and subjects of the world economy. The purpose of the article is to summarize and systematize approaches in this regard to form the basis of a comparative research methodology. As a result of the study, it was established that the general principles of comparative research cannot be a single universal methodology, but the features of each system must be taken into account based on the purpose, subject and object of comparison.</p> <p>Keywords: comparative economics, comparative analysis, economic systems, subjects of the world economy, benchmarking.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.